Дажжол ҳақида бирор пайғамбар ўз қавмига айтмаган хабарни айтайми? Билиб қўйингларки, Дажжолнинг (бир) кўзи ғилай (кўр). Жаннат ва дўзахга ўхшаш нарсалар билан келади

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дажжол ҳақида бирор пайғамбар ўз қавмига айтмаган хабарни айтайми? Билиб қўйингларки, Дажжолнинг (бир) кўзи ғилай (кўр). Жаннат ва дўзахга ўхшаш нарсалар билан келади. Бу жаннат деяётган нарсаси дўзахдир. Нуҳ ўз қавмини огоҳлантиргани каби мен ҳам сизларни огоҳлантираман», дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирорта пайғамбар ўз қавмига айтмаган дажжолнинг сифат ва аломатлари ҳақида хабар бердилар. Улардан: Бир кўзи ғилай. Аллоҳ таоло дажжолга инсон кўриши жиҳатидан содир бўладиган жаннат ва дўзахга ўхшаш нарсани берди. Лекин унинг жаннати дўзах ва дўзахи жаннат. Ким унга итоат қилса одамларга жаннатдай кўринадиган, аслида эса, дўзах бўлган жойга киргизади. Ким унга осийлик қилса, одамларга дўзахдай кўринадиган, аслида эса, пок жаннатга киргизади. Сўнгра Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмини дажжолнинг фитасидан огоҳлантиргани каби Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам бизни огоҳдантирдилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3110